

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ПИСТА НАВЛАРИ
ДАРАХТЛАРИНИНГ ҲОСИЛ ТАҲЛИЛИ****Машрапов Хусниддин Турсуналиевич**

Қ.х.ф.ф.д., докторант DSc, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ
хўжалиги ва агрологистика институти
h.mashrapov@mail.ru

Рустамов Журабек Тошпўлат ўғли

Кичик илмий ходим, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ
хўжалиги ва агрологистика институти
jurabekjon.9597@gmail.com

Буранова Ш.У.

Докторант PhD, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалиги
ва агрологистика институти
sh_buranova@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7212387>

Аннотация. Кўпгина хандон писта ёнгоқмеvasи етиштирувчи мамлакатларнинг ўз маҳаллий писта навлари мавжуд. Бу навлар шу мамлакатнинг иқлим-тупроқ шароитига мослиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда ҳам хандон пистанинг маҳаллий навлари мавжуд бўлиб, бизнинг иқлим-тупроқ шароитимизда юқори ҳосил бериши, ёнгоқмеvasининг йирик, хуштаъм, очиқлилик даражаси юқори, дарахтларининг ўзи эса қургоқчилик, касаллик-зарарқундаларга чидамли эканлиги билан ажралиб туради. Мақолада Фарғона вилояти шароитида ўсиб турган маҳаллий писта навларининг ҳосили ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: нав, баҳолаш, истиқболли шакллар, белги, иссиқ, қургоқчил, лалми, ёнгоқмева.

**АНАЛИЗ УРОЖАЙНОСТИ МЕСТНЫХ ФИСТАШНЫХ ДЕРЕВЬЕВ В
КАКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ЛЕСНОМ ХОЗЯЙСТВЕ**

Аннотация. Во многих странах, выращивающих фисташки, есть свои местные сорта фисташек. Эти сорта отличаются совместимостью с климатом и почвенными условиями этой страны. В нашей стране есть местные сорта фисташек, которые отличаются высокой урожайностью в наших климатических и почвенных условиях, крупными, вкусными, открытыми плодами, а сами деревья устойчивы к засухе, болезням и вредителям. В статье проанализированы данные об урожайности местных сортов фисташек, произрастающих в Ферганской области.

Ключевые слова: сорта, оценка, перспективные формы, признак, жаркое, сухое, ореховое.

YIELD ANALYSIS OF LOCAL PISTACHIA TREES IN KOKAN STATE FORESTRY

Annotation. Many pistachio-growing countries have their own indigenous pistachio varieties. These varieties are distinguished by their compatibility with the climate and soil conditions of this country. In our country, there are local varieties of pistachios, which are distinguished by their high yield in our climate and soil conditions, their large, tasty, open fruits, and the trees themselves are resistant to drought, diseases and pests. The article analyzes data on the yield of local pistachio varieties growing in Fergana region.

Keywords: varieties, evaluation, perspective forms, character, hot, dry, nut.

Кириш. Мамлакатимизда писта ўстириш учун барча имкониятлар мавжуд: ҳукумат томонидан етарлича эътибор, бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966 [1] сонли «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги, 2021 йил 22 январдаги ПҚ-4960 [2] сонли «Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида пистачиликни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган.

Тадқиқот услубияти. Пистанинг навларини ҳосилини аниқлашда Каппер усулидан фойдаланилди [3,4,5].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам пистачилик соҳасига эътибор ва қизиқиш кучайиб, ҳудудлардаги самарасиз фойдаланилаётган лалми ҳамда тоғолди ҳудудларида бўш турган ерларда пистачиликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўрмон хўжалиги тизимида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Республикамиз ҳудудида 2018-2021 йилларда Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Жиззах ва Тошкент вилоятларида 10 минг гектарга яқин майдонда интенсив типдаги писта плантациялари барпо этилди.

Мамлакатимизда пистачилик соҳасида бир қанча илмий изланишлар ўтказилган бўлиб, бу борада И.К.Троско, С.Т.Гиязов, С.М.Аблаев, Г.М.Чернова ва улар тайёрлаган мактаб вакиллари олиб борган ишларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин [6,7,8].

Ўзбекистонда охириги йилларда олиб борилган илмий изланишлар натижасида 13 та нав ажратилган бўлиб, хандон писта навлари муаллифлари, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази гувоҳномаси ва Интеллектуал мулк агентлиги ўсимлик нави патентига эга бўлишди.

Бу навлар Жиззах вилояти Пистачилик илмий тажриба станциясининг писта оналик коллекциясида ўстирилмоқда. 2000 йил Г.М.Чернова ташаббуси билан Қўқон давлат ўрмон хўжалигида ушбу коллекциядан оналик плантация барпо этиш ишлари 10 гектар майдонда амалга оширилган. 2004-2005 йилларда барча навлар келтириб пайванд қилинган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу коллекциядаги дарахтлар тўлиқ ҳосилга кирган ва нав белгиларини ўзида тўлиқ сақлаган.

Ўрмон барпо этиш ишларини амалга оширишда дарахтлардаги мавжуд ва бўлажак уруғлар ҳосилини аниқлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун ўрмон хўжаликларида уруғлар ҳосилини аниқлаш усулларидадан фойдаланилади. Улардан энг кўп тарқалгани «кўз билан тахминий аниқлаш» усулидир. Бу усул ҳосилни аниқлашда ҳамма уруғчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар учун мажбурий ҳисобланади. Бунинг учун назорат 5 балли шкала асосида олиб борилади ва гуллаш ҳамда ҳосил қуйидаги аломатлар ва белгилар ёрдамида аниқланади:

0 - гуллаши ва ҳосили йўқ;

1 - гуллари жуда ҳам кам ёки ҳосили қониқарсиз (гуллар, куббалар ёки мевалари дарахтларда кам миқдорда);

2 - гуллаши ва ҳосили кам;

3 - гуллаши ва ҳосили ўртача;

4 - гуллаши ва ҳосили яхши;

5 - гуллаши ва ҳосили жуда яхши.

Олинадиган ҳосил ҳисоби уч маротаба яъни гуллаш вақтида, мева туккандан кейин ва ҳосилни териб олишга бир-икки ой қолган муддатларда ўтказилади.

Кузатишлар 0,25-0,50 га ҳисоблаш майдонларида олиб борилади.

Хандон пистанинг ҳосилини аниқлаш

(Қўқон давлат ўрмон хўжалиги, 2022 йил, 20 август)

| № | Нав | Ялпи гуллаш | Гуллагандан 1 ойдан кейин | Ҳосил теришдан 1 ой олдин |
|-----|---------------|-------------|---------------------------|---------------------------|
| 1. | Маҳаллий | 5 | 4 | 4 |
| 2. | Боботоғ | 4 | 4 | 3 |
| 3. | Мустақиллик | 5 | 5 | 5 |
| 4. | Серҳосил | 5 | 5 | 5 |
| 5. | Ситора | 5 | 5 | 5 |
| 6. | Тоғ маликаси | 5 | 4 | 3 |
| 7. | Фаровон | 5 | 4 | 4 |
| 8. | Фарход | 5 | - | - |
| 9. | Хурсандчилик | 5 | 5 | 4 |
| 10. | Чақмоқ | 5 | 5 | 5 |
| 11. | Ширин | 5 | 5 | 5 |
| 12. | Ўзбекистон | 5 | 5 | 5 |
| 13. | Ўзб марвариди | 5 | 5 | 4 |
| 14. | Ғаллаорол | 4 | 4 | 3 |

2022 йил июлда оғи ўта (аномал) иссиқ кузатилган бўлсада Қўқон давлат ўрмон хўжалигида ўсиб турган маҳаллий навлари ўзларини қурғоқчилик, касаллик ва зараркунандаларга чидамли эканлигини кўрсатиш билан бирга дарахтларда ҳосил борлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Гуллаши ва ҳосили жуда юқорилиги билан Мустақиллик, Серҳосил, Ситора, Чақмоқ, Ширин, Ўзбекистон навлари 5 балл Фаравон, Хурсандчилик, Ўзбекистон марвариди навлари 4 балл, Боботоғ, Тоғ маликаси, Ғаллаорол каби навлар 3 балл баҳоланди. Чангчи Фарход нави 5 баллик кўрсаткичга эга бўлди (тажрибалар кейинги йилларда ҳам давом эттирилади).

Олиб борилган илмий-тадқиқотлар ва шахсий хулосаларимиздан маҳаллий навларимизнинг табиатнинг ноқулай омиллари, касаллик-зараркунандаларига чидамли ва ҳосилдор эканлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли барпо этилаётган писта плантацияларини навлар асосида ташкил этишни тавсия этамиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-2966 сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 январдаги «Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4960 сонли қарори.
3. Аблаев С.М. Фисташка . – Москва: Агропромиздат, 1987. – с.77.

4. Холмуротов М.З., Қайимов А.К., Чернова Г.М. А. Тўраев “Хандон pista плантацияларини барпо этишда истиқболли шакл ва навларини асослаш”.- Тошкент, 2012 й.
5. Чернова Г.М., Олехнович Г.С. Методика комплексной оценки сортов и перспективных форм фисташки по хозяйственно-биологическим признакам // Биоэкология орехоплодовых лесов и геодинамика в Южном Кыргызстане. ЮОНАН Кырг. Респ. – Джалал-Абад, 1998. – С. 53–61.
6. Чернова Г.М., Хамзаев А.Х., Эшанкулов Б.И., Шайматов О.А. “Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғ олди лалмикор ерларида хандон пистани саноат плантацияларида ўстириш технологиясини такомиллаштириш”.- Тошкент, 2019 й.
7. Hamzayev A. K., Eshankulov B. I., Kholmurotov M. Z., Inomova M. M. Study on cultivation of pistachio (*Pistacia vera* L.) seedlings in containers //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2020. – Т. 614. – №. 1. – С. 012119.
8. Kayimov A., Kholmurotov M. Z., Eshankulov B. I. Justification of prospective pistachio (*Pistacia vera* L.) varieties and forms while creating plantations in Uzbekistan //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2021. – Т. 939. – №. 1. – С. 012037.